



## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** 2017 йилнинг январь–июнида барча турдаги транспортлар томонидан 718,4 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 103,9 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 41,9 млрд.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 2,9 фоизга ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	<i>2017 йил январь–июнь</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ташилган юклар, млн. тн.</b>	<b>718,4</b>	<b>103,9</b>
темир йўл транспортида	33,3	100,7
автомобиль транспортида	652,0	104,1
ҳаво транспортида, минг тн.	13,2	106,6
қувур йўллари орқали	33,1	104,2
<b>Юк айланмаси, млн. тн–км</b>	<b>41 852,7</b>	<b>102,9</b>
темир йўл транспортининг	11 593,3	100,1
автомобиль транспортининг	14 802,3	103,8
ҳаво транспортининг	74,2	128,1
қувур йўллари орқали	15 382,9	104,3

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби,**  
(юк ташишининг умумий ҳажмига нисбатан фоизда)



2017 йилнинг январь–июнида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:

	<i>Минг тонна</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>33 247,6</b>	<b>100,7</b>
шу жумладан:		
кўмир	2 232,9	136,6
нефть юклари	5 043,7	91,1
ҳар хил рудалар	2 469,4	99,9
қора металллар	416,2	86,0
қора метал темир–терсаклари	394,4	105,0
кимёвий ва минерал ўғитлар	2 045,2	82,8
қурилиш юклари	3 443,7	98,2
цемент	2 390,7	91,5
ёғоч–тахта юклари	10,8	97,1
пахта–толаси	190,0	65,7
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	612,8	124,0
бошқа юклар	13 997,8	106,7

Автомобиль транспортида 652,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 4,1 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 14,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 3,8 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2016 йил январь–июнига нисбатан 4,5 фоизга кўпайди ва 11,1 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 75,3 фоизни (2016 йилнинг январь–июнида 74,8 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 13,2 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 6,6 фоизга кўпдир, юк айланмаси 74,2 млн.тн–км.ни ташкил қилди ва 28,1 фоизга кўпайди.

Магистрал кувур йўллари юк айланмаси 15,4 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 фоизга ортди.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2 016 йилнинг январь–июнига нисбатан 4,0 фоизга кўпайди ва 3 836,6 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 5,2 фоизга кўпайиб, 53,3 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:


	<i>2017 йил январь–июнь</i>	<i>Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>3 836,6</b>	<b>100,0</b>	<b>104,0</b>
темир йўл транспортида	10,7	0,3	101,6
автомобиль транспортида	3 794,7	98,9	104,1
ҳаво транспортида	1,1	0,03	103,9
шаҳар электр транспортида	30,1	0,8	102,4
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км</b>	<b>53 323,8</b>	<b>100,0</b>	<b>105,2</b>
темир йўл транспортининг	2 072,0	3,9	109,0
автомобиль транспортининг	47 593,2	89,3	104,8
ҳаво транспортининг	3 431,6	6,4	108,9
шаҳар электр транспортининг	227,0	0,4	106,5

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 98,9 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 89,3 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 1,6 фоизга ошди ва 10,7 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 9,0 фоизга ошди ва 2 072,0 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

**Йўловчи айланмасининг ўсиш суръати,**  
(2017 йилнинг январь–июнь 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан)

фоизда



Ҳаво транспорти орқали 1 055,2 мингта йўловчи жўнатилиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 3,9 фоизга ортди, йўловчи айланмаси эса 3 431,6 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,9 фоизга ўсди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан, мос равишда 10,5 фоизга ошди.